

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

411 **Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

3. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 июль,
01-02/12-13-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил
4 июлдаги 01-02/12-13-сонли қарорига
ИЛОВА

Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ, Йўловчи божхона декларациясини (бундан буён матнда Декларация деб юритилади) жисмоний шахслар томонидан тўлдириш ва давлат божхона хизмати органи (бундан буён матнда божхона органи деб юритилади) ходими томонидан расмийлаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
резидентлар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

норезидентлар — резидентлар жумласига кирмайдиган шахслар;

чет эл валютаси — муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар қўринишидаги чет эл пул белгилари.

2. Декларация жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, ҳар қандай қўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар (бундан буён матнда қимматбаҳо буюмлар деб юритилади), товарлар ҳамда транспорт воситаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида қўлланилади.

3. Декларация 16 ёшга тўлган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидаги ўтказиш пунктлари орқали Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини ҳар гал кесиб ўтганда тўлдирилади.

Божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган шахс ўзи эркин равишда Декларацияни тўлдира олмаса (рухий касал, ақли заиф, жисмоний имконияти чекланган шахс ва бошқалар), Декларация унинг номидан ушбу шахсни кузатувчи шахс томонидан тўлдирилади. Бунда Декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун Декларацияни тўлдирган ва имзолаган шахс жавобгар бўлади.

2-боб. Декларацияни тўлдириш

4. Декларация мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ шаклда икки

нусхада тўлдирилади. Декларациянинг бир нусхаси божхона органида қолади, иккинчи нусхаси эса Декларацияни тўлдирган шахсга берилади. Ушбу Декларацияда кўрсатилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, товарлар ҳамда транспорт воситасини олиб кириш ёки олиб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Декларация резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасига киришда ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқишда бир нусхада тўлдирилиши мумкин. Бунда мазкур Декларация божхона органида қолади.

5. Декларация бланклари ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади. Шахс ўзи истаган тилдаги Декларация бланкини тўлдирилиши мумкин.

6. Декларацияда барча бандлар тўлдирилиши ва барча саволларга жавоб берилиши керак.

Тегишли бандлардаги маълумотлар ўзбек (кирилл ёки латин алифбосида), рус ёки инглиз тилларида қатъий белгиланган жойларга ручка билан қўлда аниқ ва тушунарли ёки ёзув мосламаси ёрдамида ёзилади.

Тегишли саволлардаги керакли катакчаларга «Х» белгисини чизиш йўли билан жавоб берилади.

7. Декларация унинг орқа томонидаги эслатма билан танишган ҳолда қуйидаги тарзда тўлдирилади:

1-бандда шахс тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, туғилган йили, жинси, паспортининг серияси ва рақами), доимий яшаш мамлакати, фуқаролиги, бирга ҳаракатланаётган 16 ёшга тўлмаган шахслар мавжудлиги ва уларнинг сони кўрсатилади;

2-бандда ҳаракат тури (кириш, чиқиш) ҳамда қайси мамлакатдан келганлиги, қайси мамлакатга бораётганлиги кўрсатилади;

3-бандда сафар мақсади кўрсатилади (хизмат, ўқиш, иш, саёҳат, қариндошларни йўқлаш, даволаниш, доимий яшаш жойи, тижорат);

4-бандда багаж мавжудлиги тўғрисида маълумотлар кўрсатилади;

5-бандда Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги ва миқдори кўрсатилади;

6-бандда товарлар ва транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

8. 16 ёшга тўлмаган шахсларга тегишли бўлган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валюталари, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, товарлар ва транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар улар билан бирга ҳаракатланаётган ота-оналари, бошқа қариндошлари ёки уларни кузатиб борувчи бошқа шахсларнинг Декларацияларида кўрсатилади.

9. Декларациянинг 6-бандида кўрсатилган товарларни тавсифлаш имкон қадар уларнинг номи, фарқлаш хусусиятлари, миқдори ҳамда уларнинг АҚШ долларидаги қийматларини кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, шунингдек товарлар тўғрисидаги маълумотлар Декларациянинг 5 ва 6-бандларидаги сатрларга сифмаган тақдирда, мазкур маълумотлар қўшимча Декларациянинг 5 ва 6-бандларида кўрсатилади ва у асосий Декларацияга илова қилинади. Бунда қўшимча Декларациянинг 1 — 4-бандлари тўлдирилмайди.

11. Декларациянинг 6-бандидаги Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар транспорт воситасини бошқараётган шахс томонидан автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида тўлдирилади.

12. Декларация Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, товарлар ҳамда транспорт воситасини божхона назоратига тақдим этишга қадар уни тўлдирган шахс томонидан имзоланиши керак.

3-боб. Божхона органи ходими томонидан Декларацияни расмийлаштириш

13. Божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун Декларация божхона органи ходими томонидан унда кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар, товарлар ҳамда транспорт воситасини божхона назоратига тақдим этиш билан бир вақтда қабул қилинади.

14. Декларацияда бўяб тузатишлар ва ўчириб ёзишлар бўлмаслиги лозим. Нотўғри тўлдирилган бандлар аниқланган тақдирда, Декларацияни божхона назоратидан ўтказгунга қадар шахс ушбу бандлардаги хато маълумотларни тўғри чизик билан ўчириб, тегишли маълумотларни қўлда ёзиб тўғрилаши мумкин.

Ҳар қандай бундай тўғрилаш Декларацияни тўлдирган шахснинг имзоси ҳамда божхона органи ходимининг шахсий муҳри билан тасдиқланади.

15. Декларациянинг 5 ва 6-бандларидаги ёзувлар (товарлар тўғрисидаги маълумотлар қисми) божхона органи ходими томонидан бирор-бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини олдини олиш мақсадида узлуксиз чизик билан доирага олинади ҳамда ёзув учун назарда тутилган барча бўш жойлар эса чизиб қўйилади.

16. Декларацияни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш божхона органи ходими томонидан Декларациянинг орқа томонига шахсий муҳрини қўйиш билан амалга оширилади.

4-боб. Якуний қоидалар

17. Декларация йўқотилган тақдирда тикланмайди.

Декларация йўқотилган тақдирда шахс Декларацияни божхона расмий-

лаштирувидан ўтказган божхона органига мурожаат қилганда, Декларация нусхасини ва унда кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматбаҳо буюмлар ҳамда товарларни олиб ўтилганлигини тасдиқловчи маълумотни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

18. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТУРАЕВ

2014 йил 4 июль

Йўловчи божхона декларациясини
тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
ИЛОВА

(олд томони)

_____ -сонли ЙЎЛОВЧИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Мазкур Декларация 16 ёшга тўлган шахс томонидан тўлдирилади.
Тегишли саволлардаги керакли катакчаларга «Х» белгисини чизиш
йўли билан жавоб берилади.
Мазкур Декларацияни Ўзбекистон Республикасига кириш ёки
ундан чиқишнинг бутун даври давомида сақлаб туриш тавсия этилади.

1. Шахс тўғрисида маълумотлар:

_____			_____		
(Фамилияси)			(исми)		
Туғилган санаси: _____			жинси: ☐ эркак аёл ☐		
_____			_____		
(Паспорт серияси ва рақами)			(Доимий яшаш мамлакати)		
			(Фуқаролиги)		

Мен билан бирга 16 ёшга тўлмаган шахслар ҳаракатланмоқда
Ҳа ☐ Йўқ ☐ Сони _____

2. Ҳаракат тури: Кириш ☐ Чиқиш ☐

_____	_____
(Қайси мамлакатдан келди)	(Қайси мамлакатга борапти)
(жўнаб кетган мамлакати кўрсатилади)	(бориш мамлакати кўрсатилади)

3. Сафар мақсади:

Хизмат ☐ Ўқиш ☐ Иш ☐ Саёҳат ☐

Қариндошларни йўқлаш ☐ Даволаниш ☐ Доимий яшаш жойи ☐ Тижорат ☐

4. Багаж мавжудлиги тўғрисида маълумот: Ха ☐ Йўқ ☐

5. Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар:

Т/р	Валюта номи	Миқдори	
		рақам билан	ёзув билан
1.			
2.			
3.			

Ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар:

1.			
2.			

6. Товарлар ва транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар:

Т/р	Товарнинг номи (фарқлаш хусусиятлари, рухсат берувчи ҳужжатнинг рақами, берилган санаси ва уни берган орган)	Миқдори		Қиймати, АҚШ долларида
		рақам билан	ёзув билан	
Умумий қиймати (жами)				

Транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар:

Давлат рақами _____ тури, русуми _____

ЭСЛАТМА

Мазкур Декларацияда кўрсатилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар товарлар ва транспорт воситасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки ундан олиб чиқиш учун асос бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган товарлар рўйхати:

- а) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар;
- б) Давлат ва жамият қурилишига раҳна солишга, ҳудудий яхлитлик, сиёсий мустақиллик ва давлат суверинитетини бузишга, уруш, терроризм, зўравонлик, миллий устунлик ва диний нафрат, ирқчилик ва унинг турларини (антисемитизм, фашизм) ҳамда порнографик мазмундаги материалларни тарғиб этишга қаратилган босма асарлар, кўлёзмалар, клишелар, расмлар, фотосуратлар, фотоплёнкалар, негативлар, кино, видео ва аудио маҳсулотлари, грамзапислар, овоз ёзилган материаллар;
- в) портатив лазерли нур тарқатгичлар;
- г) портловчи моддалар ва портлатиш воситалари.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган товарлар рўйхати:

- а) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар;
- б) дон (буғдой, сули, арпа, гуруч, маккажўхори, гречиха); нон маҳсулотлари (ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари, пироглар, ўзи ишлаб чиқарган пишириқлардан ташқари); ун, ёрмалар; уй хайвонлари, паррандалар; гўшт ва истеъмолбоп гўшти қўшимча маҳсулотлар, уй паррандасининг истеъмолбоп маҳсулотлари; шакар; ўсимлик ёғлари; тери хом ашёси (нон-стандарт терилар ҳам), тери-мўйна, шу жумладан қорақўл териси (нон-стандарт терилар ҳам) хом ашёси; рангли металл парчалари ва чиқиндилари; чуватиш имкони бўлган пилла, хом ипак (эшилмагани), ипак чиқиндилари (шу жумладан чуватиш имкони бўлмаган пилла, пилла ипи чиқиндилари ва юмшатишган чиқиндилари); полиэтилен-терефталат (ПЭТ) чиқитлари, қий-қиндилари ва скрап (қиринди)лари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатга асосан республикадан олиб чиқиб кетилиши мумкин бўлмаган биологик объектлар.

3. Ваколатли органларнинг тегишли рухсатномалари (лицензиялар) талаб этиладиган товарлар рўйхати:

Қурол, ўқ-дорилар; хайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари; радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар; маданий бойликлар (расм-

лар, хайкалтарошлик асарлари, анъанавий халқ бадий хунармандчилиги буюмлари ва бошқалар) ваколатли органларнинг тегишли рухсатномалари бўлган тақдирда Декларацияда мажбурий равишда кўрсатиш шarti билан олиб ўтилишига рухсат этилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби:

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган резидентлар ва норезидентлар томонидан энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси олиб ўти-лаётган бўлса Декларацияда мажбурий тарзда кўрсатилиши лозим.

Резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишда белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан ошмаган миқдоригача рухсат этилади.

5. Нақд чет эл валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби:

Резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган нақд чет эл валютаси миқдори-дан қатъи назар, Декларацияда мажбурий тарзда кўрсатилиши лозим.

Норезидентларга Ўзбекистон Республикасига кириш вақтида Декларацияда кўрсатилган миқдорда нақд чет эл валютасини республика ҳудудидан олиб чиқилишига рухсат этилади.

6. Резидентлар ва норезидентлар томонидан товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда ва Ўзбекистон Республика-сидан олиб чиқишдаги божсиз олиб ўтиш меъёрлари:

Резидентлар ва норезидентлар томонидан ўз эҳтиёжи учун товарларни божсиз олиб кириш меъёрлари қуйидагиларни ташкил этади:

10 АҚШ доллари — истеъмол товарларини чегарадош давлатлардан (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон) олиб киришда;

1000 АҚШ доллари — товарларни чегарадош бўлмаган давлатлар ҳуду-дидан олиб киришда (тижорат мақсадида олиб кирилаётган товарлар бун-дан мустасно).

Қиймати 1000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган товарлар (тижо-рат мақсадида олиб чиқиляётган товарлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиляётганда Декларациянинг 6-бандида кўрсатилади. Товарларнинг қиймати 1000 АҚШ долларида оша-диган бўлса, божхона юк декларацияси расмийлаштирилиши лозим.

Эслатманинг 1, 2 ва 3-бандларида кўрсатилган товарлар ҳамда божсиз олиб кириш меъёрларидан ошган товарлар тўғрисидаги маълумот Декларациянинг 6-бандида кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси ёки нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойлиқлари, ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар, шунинг-

411-412-моддалар

— 138 —

32 (636)-сон

дек товарлар тўғрисидаги маълумотлар Декларациянинг 5 ва 6-бандларидаги сатрларга сифмаган тақдирда, мазкур маълумотлар қўшимча Декларациянинг 5 ва 6-бандларида кўрсатилади ва у асосий Декларацияга илова қилинади. Бунда қўшимча Декларациянинг 1 — 4-бандлари тўлдирилмайди.

Декларацияда нотўғри маълумотлар кўрсатганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиш тўғрисида хабар-дорман.

20____ йил «____» _____

Шахснинг шахсий имзоси _____

Божхона органи ходимининг шахсий муҳри ўрни.